

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 226 (12.287)

Баҳоси эркин нарҳда

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



### ФЕРМЕРЛИК РИВОЖИ ЙЎЛИДАГИ ЯНГИ ИМКОНИАТЛАР

**«Туркистон» саройида Ўзбекистон Фермерлари кенгашининг таъсис конференцияси бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардан 350 нафар фермер иштирок этди.**

Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар фермер хўжалиқларини ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда. Қишлоқ хўжалиги соҳасида ислохотларни амалга оширишда фермер хўжалиқларини ташкил этиш ва ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада бир қатор қонун ҳужжатлари, давлат дастурлари, хусусан, «Мулк тўғрисида»ги, «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги, «Дехқон хўжалиги тўғрисида»ги қонунлар ва «Ер кодекси»нинг ҳаётга татбиқ этилиши натижасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми ортиб, сифати яхшиланмоқда. 1990 йилда аҳоли истеъмоли учун зарур бўлган галланинг 82 фоизи, гўшт ва гўшт маҳсулотларининг 50 фоиздан кўпроғи, сут ва сут маҳсулотларининг 60 фоизи, картошканинг 50 фоизи четдан келтирилган эди. Фермерлик ҳаракати устувор аҳамият берилиб, қишлоқда мулкдорлар синфини ҳар томонлама қўллаб-

қувватлашга йўналтирилган аграр сиёсат самарасида 2000-2011 йилларда фермер хўжалиқларида дон етиштириш 10 баробарга яқин, картошка 13 баробар, мева 26 баробар, узум 20 баробардан зиёд ошди. Ширкат хўжалиқлари негизига 215 мингга яқин фермер хўжалиқлари ташкил этилди. Уларнинг янада самарали фаолият юритиши учун уларнинг участкалари оптималлаштирилиб, 66 мингдан ортиқ фермерлар танлаб олинди. Бунда фермер хўжалиқларининг ўртача ер майдони 27 гектардан 80 гектаргача кўпайди. Хозир суғориладиган ерларнинг 85 фоизи фермерлар тасарруфда. Фермер хўжалиқлари мисолида ернинг ҳақиқий эгаси пайдо бўлди. Ерга эгаллик ҳисси туфайли ундан унумли фойдаланиш, экинларнинг ҳосилдорлиги, умуман, қишлоқ хўжалиги самарадорлигига эришилмоқда. Фермер хўжалиқларида бир тонна пахта ҳосили учун ўғит олдинги жамoa хўжалиқларидагига нисбатан 1,4 марта, уруғлик 1,9 марта, ёнилғи-мой-

лаш материаллари 2,1 марта кам сарфлангани ҳолда, ҳосилдорлик 1,4 марта оқори бўлаётди. Президентимиз Ислоҳ Каримов томонидан фермерларни моддий қўллаб-қувватлаш, уларга турли имтиёзлар бериш масалаларига мунтазам эътибор қаратилмоқда. Қишлоқ хўжалиги корхоналарига солиқ имтиёзларининг берилгани, балл бонитети паст ерларда пахта етиштирилган фермер хўжалиқларининг зарарини қоплаш мақсадида молиявий ёрдам кўрсатилаётгани бунинг ёрқин далилидир. Тупроқ унумдорлигини оширишга қаратилган ирригация тизимларини такомиллаштириш ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш муҳим вазифалардан. Сув хўжалиқлари, ирригация ва мелиорация тармоқларини сақлаш, кенгайтириш ва бошқа харажатлар давлат бюджетидан амалга оширилмоқда. Фақат 2012 йилнинг ўзида 1,2 миллион гектар суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланди. Кучли ва ўрта шўрланган майдонлар 81 минг гектарга камайди, 365 минг гектар майдонда ерости сувларини қишлоқ хўжалиги экинлари учун мақбул сатҳларга туширилишига эришилиб, ҳосилдорлик пахтачиликда 2003 йилга нисбатан 4,9 центнерга, галлачиликда эса 9,5 центнерга ошди.

(Давоми 2-бетда)

**Пойтахтимизда Савдо-саноат палатаси томонидан ташкил этилган «Бизнес-жараён ва корпоратив контентни бошқаришни ташкил этиш орқали бизнесни ривожлантириш» мавзусида конференция бўлиб ўтди.**

### Қарор ва ижро

#### САМАРАЛИ БОШҚАРУВ ТИЗИМЛАРИ ЖОРИЙ ЭТИЛМОҚДА

Тадбирда корхона ва давлат идоралари раҳбарлари, менежерлар, ўрта ҳамда йирик савдо ва ишлаб чиқариш корхоналарининг IT-директорлари, бошқа манфаатдор томонлар вакиллари иштирок этди. Ҳозирги шароитда ишлаб чиқаришни замонавий ахборот технологияларига асосланган самарали бошқарув тизимларисиз ривожлантириб бўлмайди. Бозор талабларининг мунтазам ўзгараётгани, илмий-техник, технологик ва маркетинг йўналишидаги ахборот оқимининг кўпайиб бораётгани корхоналарини ривожлантириш стратегияси ва тактикаси учун масъул ходимларидан кам маблағ сарфлаб, кўпроқ даромад олишга қаратилган қарорларни ўз вақтида аниқ қабул қилишни талаб этмоқда. Шу боис сўнгги пайтларда ишлаб чиқариш жараёнига корпоратив контент (ECM) ва бизнес-жараёни бошқариш (BPM) технологияларини жалб қилишга катта эътиҳ сезилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси раиси Алишер Шайхоннинг айтишича, мамлакатимизда ахборот технологиялари соҳаси жадал ривожланмоқда, унинг имкониятларидан давлат ҳокимияти органларида ҳам, хусусий секторда ҳам кенг фойдаланилмоқда. Бу борада Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг 2012 йил 21 мартда «Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди. Шу сабабли мазкур тадбирни ўтказишдан мақсад корхоналар, идораларни бошқаришни такомиллаштиришда ахборот тизимлари имкониятларини намойиш этиш, бизнесдан даромад олишни кўпайтириш, сарф-харажатларни камайтириш, жараёнларни мониторинг ҳамда таҳлил қилиш сифатини оширишдан иборат. Анжуманда корпоратив контент (ECM) ва бизнес-жараёни бошқариш (BPM) технологияларини жорий этиш ҳамда улардан фойдаланиш, жаҳон ахборот технологиялари бозорининг асосий трендларидан бири бўлган ушбу технологияларни интеграциялаш масалалари муҳокама этилди.

М.МАМЕТОВА,  
ЎЗА мухбири



### МАМЛАКАТИМИЗДА

- Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Наманган ҳудудий бўлинимасида жамоатчилик назоратини оширишда фуқаролар иштироки механизминини такомиллаштириш масалаларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Наманган, Фарғона ва Андижон вилоятларида фаолият олиб бораётган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раислари, бир қатор нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.
- Сурхондарё вилоятидаги «Галаба» чегара божхона постига Япония ҳукумати томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитасига «Ўзбекистон Республикасининг чегара божхона постларини рентген-сканер приборлари билан таъминлаш» лойиҳаси доирасида тақдим этилган грант маблағлари ҳисобидан олинган темир йўл вагонларини қўриқдан ўтказишга мўлжалланган сканер қурилмасининг топширилишига бағишланган маросим бўлиб ўтди. Тадбирда Давлат божхона кўмитаси, Япониянинг Ўзбекистондаги элчихонаси, Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.
- Амуударё туманидаги «Жумамурод Қурбонбоев» фермер хўжалиги қошида сизими 700 тонналик замонавий музлаткич ишга туширилди. Ёш фермер Фуломжон Қурбонбоев сазй-ҳаракати билан амалга оширилган ушбу лойиҳа банкнинг 650 миллион сўмлик кредити билан қўллаб-қувватланди. Айни пайтда тадбиркорлик жамоаси ҳудуддаги дехқон ва фермер хўжалиқларидан шартнома асосида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қабул қилиб олмақда. Ҳозирга қадар Оролбўйида 6 та ана шундай йирик сизимли замонавий омборхона ташкил этилди.

### ЖАҲОНДА

- Европа Иттифоқи Мисрга 5 миллиард евро ҳажмида ёрдам кўрсатилишини маъқуллади. Умумий сумманинг 4 миллиардининг 2 миллиарддан Европа инвестицион банки ва Европа тикланиш ва тараққиёт банки ажратади. Яна бир миллиард евро ЕИГА аъзо мамлакатлар тақдим этади. Ушбу ҳафтада Қоҳира ХВЖ билан кредит тўғрисидаги меморандумни имзолайди.
- Чилининг шимолида 6,1 магнитудали зилзила содир бўлди, деб хабар беради АҚШнинг Геология хизмати. Мазкур идоранинг хабар беришича, зилзила маҳаллий вақт билан 16.02 (23.00 мск) да рўй берган, унинг эпицентри Кокимбо туманидаги Ла-Игера аҳоли пунктидан 30 километр узоқликда жойлашган (мамлакат пойтахтидан 458 километр шимолда).
- Германиянинг Lufthansa авиакомпаниясидан сўнг йириклиги бўйича иккинчи ўринда турувчи Air Berlin авиакомпанияси янги тежамкорлик дастури доирасида ходимларининг ўн фоизга яқин қисмини қисқартишни мўлжалламоқда. Бу хабарни маълумот манбаини кўрсатмагани ҳолда маҳаллий ОАВ тарқатмоқда. Air Berlin да жами 9,3 мингга яқин киши ишлайди.
- Яқинда астрономлар юлдузлар туркумида Ерга ниҳоятда ўхшаш бўлган сайёра борлигини аниқлашди. У бизнинг Кўёш тизимимиздан 42 ёруғлик йилига тенг масофада жойлашган. Дастлабки маълумотларга кўра, олимлар супер-Ер деб атаётган ушбу сайёранинг иқлими инсон яшаши учун яроқли бўлиши мумкин.

### ЖУРНАЛИСТЛАР УЧУН СЕМИНАР

**Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан «Оила институтининг долзарб масалаларини ёритишда оммавий ахборот воситаларининг роли» мавзусида ўқув-семинар ташкил этилди.**

Жамоат фонди томонидан бир қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда ўтказилаётган «Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари ходимларининг оила институтини мустаҳкамлаш масалаларини ёритиш бўйича салоҳиятини ошириш» лойиҳаси ҳам ана шу мақсадларга хизмат қилади.

Семинарда оилалар манфаатлари, болалар ҳуқуқларини таъминлашга оид миллий ва халқаро қонунчиликнинг ўзига хос жиҳатлари ҳақида атрофлича сўз юритилди.

Назокат УСМОНОВА,  
ЎЗА мухбири

### ҚИСКА САТРАЛДА

- Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.
- ✓ **КЕЧА** Ўзбекистон Давлат консерваториясида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» томони-

- дан «Янги авлод — 2012» болалар ижодиёти фестивалининг шаҳар босқичи ўтказилди.
- ✓ **БУГУН** Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш

мустақил институтида «Ахборот соҳасида ислохотлар амалга оширилиши доирасида миллий ОАВ ривожланиши тенденциялари» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

- ✓ **ЭРТАГА** Ҳамза туманидаги «Тенгдош» маданият уйидаги ўқув курс ва тўғарақ ўқувчилари учун «Миллий ғоя — бизнинг ғоя» мавзусида учрашув ҳамда тарбиявий соат ташкил этилади.





